

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**МАҲАЛЛАЛАРДА ХАВФСИЗ  
МУҲИТНИ ЯРАТИШ ВА  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ  
БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ  
БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2025**



**Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича услубий қўлланма.** Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 22 бет.

Мазкур услубий қўлланма маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва манзилли бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар ва кўмаклашувчи шахсларга услубий ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим. Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятта** эга.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир норматив-хуқуқий ҳужжатлар.....</b>	<b>2</b>
<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>Хавфсиз муҳитни яратишнинг янги тизими.....</b>	<b>4</b>
<b>“Маҳалла еттилиги”нинг хавфсиз муҳитни яратишдаги иштироки .....</b>	<b>9</b>
<b>Ҳуқуқбузарликларнинг кенг тарқалган турлари .....</b>	<b>12</b>
<b>Атамалар изоҳи .....</b>	<b>19</b>
<b>Иловалар .....</b>	<b>20</b>
<b>Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар рўйхати .....</b>	<b>20</b>

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.01.2025 йилдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон Фармони)



# КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг янги механизmlарини жорий этиши, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабабларини ижтимоий профилактика чоралари орқали ҳал этиши ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиши орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифадир.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини 2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши кўзланмоқда.

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда масъул давлат органлари ходимлари билан бир қаторда “маҳалла еттилиги”нинг иштироки алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мазкур услубий қўлланма масъул давлат хизматчилари, фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик фаоллари фаолиятида beminnat ёрдамчи бўлади, деб умид қиласиз.

# ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

“Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси билан белгиланган масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда **“Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш” устувор вазифа** этиб белгиланган.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактиказини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимиға қўйидагилар киради:**

<ul style="list-style-type: none"><li>◆ ички ишлар органлари;</li><li>◆ прокуратура органлари;</li><li>◆ Давлат хавфсизлик хизмати органлари;</li><li>◆ давлат божхона хизмати органлари;</li><li>◆ давлат солиқ хизмати органлари;</li><li>◆ меҳнат органлари;</li><li>◆ адлия органлари;</li><li>◆ Миллий гвардия органлари;</li><li>◆ таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари;</li><li>◆ Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;</li><li>◆ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари;</li><li>◆ давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;</li><li>◆ Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари.</li></ul>
---	---




## **Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар:**

- ✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- ✓ Ички ишлар вазирлиги;
- ✓ Миллий гвардия;
- ✓ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;
- ✓ Давлат хавфсизлик хизмати;
- ✓ Бош прокуратура;
- ✓ Рақамли технологиялар вазирлиги;
- ✓ Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- ✓ Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

**Ўзбекистон Республикаси  
жамоат хавфсизлиги концепцияси**

## **2025 йилда жорий этиладиган ишлаш механизмлари:**



2024 йилда жиноят содир этилган ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилишнинг маҳаллалар кесимида чораклик манзилли чора-тадбирларини белгилаган ҳолда **маҳалла – туман – вилоят даражасида** унинг ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириттириш ва аниқ соҳавий жавобгарликни юклаш



криминоген вазият оғир маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали **хуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва барҳам бериш** бўйича ташкилий-хуқуқий чораларни кўриш;

маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда **“маҳалла етилиги” ҳар бир вакилининг аниқ масъулиятини белгилаш**, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услубларини татбиқ қилиш;



аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга **жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этиб бориш**;



маҳаллалар жамоат жойлари ва яаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига **замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш**;



маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳар бир масъул идора ва муассаса томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари юзасидан **қатъий сўров тизимини йўлга қўйиш** ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга таъсир чораларини кўриб бориш.

» 2025 йилда барча туман (шахар) **сектор раҳбарларига**, Миллий гвардия **қўриқлаш хизмати бошлиқларига** ва **ички ишлар органлари бошлиқлари ўринбосарларига** (масъул раҳбарлар) маҳаллалар номма-ном бириктирилади.



Бундан мақсад криминоген вазият оғир маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш ҳамда криминоген вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган манзилли ишларни ташкил этишdir.

### Янги тартибга кўра:

Ўз ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш намунасини яратиш, ҳудудий “йўл хариталари”нинг тўлақонли ижро этилишини таъминлаш ҳамда ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш



Масъул раҳбарлар зиммасига қатъий шахсий жавобгарлик юкланади

### Масъул раҳбарларнинг криминоген вазият оғир маҳаллаларда эришилган натижалари

Уларнинг фаолиятини баҳолашда инобатга олинади

ҳар ой якунида ички ишлар вазири ҳузурида

ҳар чорак якунида  
Бош прокурор  
хузурида

ҳар ярим йилда  
Бош вазир  
хузурида

тегишли  
республика  
раҳбарлари  
иштирокида  
танқидий  
муҳокама  
қилинади

Ҳар бир маҳалла кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентига **ахборот бериб борилади** ҳамда рағбатлантириш ёки интизомий жазо чоралари белгиланади.

Хуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси тизими самарали амалга оширилиши мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:



Қуйидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар "E-ma'muriy ish" ахборот тизимида рўйхатдан ўтган вақтнинг ўзида ҳуқуқбузар (жабрланувчи)ларга нисбатан автоматик тарзда "**E-iжтимоий профилактика**" ахборот тизимида ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича **хулоса** шакллантирилади ва ижрога қаратилади:


- |   |   |
|---|---|
| <ul style="list-style-type: none"><li>◆ енгил тан жароҳати;</li><li>◆ майда безорилик;</li><li>◆ оиласвий (маишӣ)<br/>зўравонлиқ;</li></ul> | <ul style="list-style-type: none"><li>◆ гиёҳвандлик воситалари ва алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ноқонуний муомаласи билан боғлиқ.</li></ul> |
|---|---|

»» Ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларга нисбатан шакллантирилган ҳар бир хулосалар ижроси устидан **кунлик идоравий назорат** механизmlари жорий этилади.

# “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ЯРАТИШДАГИ ИШТИРОКИ

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясига кўра, **жамоат хавфсизлигини таъминлаш** давлат идоралари ва ташкилотлари, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари**, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

## Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар



Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида **ўзини ўзи бошқариш органлари**, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари **ўзаро изчиллик ва бирликка** асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди.



Маҳалла  
фуқаролар  
ийғини

жамоат хавфсизлигини  
таъминлашда иштирок  
этувчи субъект

## Маҳалла фуқаролар йиғини

-  жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир **давлат дастурларини**, худудий ва идоравий дастурларни амалга оширишда иштирок этади;
  -  жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан **жамоатчилик назоратини** амалга оширади.
- »»» Маҳалла фуқаролар йиғини жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларга **кўмаклашиш** ҳамда зарур **ёрдамни кўрсатиш** йўли билан жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши мумкин.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчisi, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган **“маҳалла еттилиги”**ни ташкил қиласди.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сон Фармони)

**Қуйидаги турдаги жиноятларнинг олдини олишда  
“маҳалла еттилиги” ҳар бир вакилининг аниқ масъулияти  
белгиланади:**

**Маҳаллаларда ёшлар томонидан**

**Маҳаллаларда аёллар томонидан**

**Маҳаллаларда ишсизлар  
томонидан**

**Оила-турмуш муносабатлари  
доирасида**

**содир этиладиган  
жиноятлар**

Ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услубарини татбиқ қилинади.



“Маҳалла еттилиги” аъзоси бўлган профилактика инспектори зиммасига **юқлатилган вазифалар рўйхати** билан қўлланманинг **Иловалар қисми**да танишишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар  
Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри  
ҳокиммилари ҳар ойда ҳудудий “йўл хариталари”да  
белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар бир  
туман (шаҳар)нинг тўртта секторида криминоген  
вазият оғир маҳаллаларда камида 2 тадан  
**“намунали хавфсиз кўча”** ва 5 тадан **“намунали  
хавфсиз йўлак”** ташкил этилади.



Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий  
профилактикасига кўмаклашувчи шахслар, шу  
жумладан “маҳалла еттилиги” фаолияти  
самарадорлиги кўрсаткичларига (KPI) ижтимоий  
профилактика тадбирлари натижалари киритилади  
ҳамда баҳолашда алоҳида инобатга олинади.

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КЕНГ ТАРҖАЛГАН ТУРЛАРИ



## АВТОМОБИЛЬ СОТИБ ОЛИШДА ФИРИБГАРЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ



### АВТОМОБИЛЬ СОТИБ ОЛИШДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ:



Соҳта эълонлар



Жуда арzon нархдаги эълонлар фирибгарлик бўлиши мумкин

- Бозор нархларини ўрганинг, нархи ҳаддан ташқари арzon автомобилларга ишонманг



Хужжатлар текширилмаслиги



Автомобил ўғирланган ёки хужжатлари сохталаштирилган бўлиши мумкин

- Автомобиль расмий рўйхатга олинганини текширинг



Бошқа шахснинг паспорти билан автомобиль сотиш



Фирибгарлар машинани ҳақиқий эгасининг хужжатларисиз сотишига уринса, хужжатлар қалбаки бўлиши мумкин

- Сотувчининг паспорти ва машинанинг эгаси бир шахс эканлигини аниқлаштиринг



Автомобилни “учинчи шахс” орқали сотиш схемаси



Фирибгарлар машинани нотаниш шахс орқали сотишига уринса, эҳтиёткор бўлинг

- Автомобилни эгаси билан нотариал тарзда расмийлаштиринг



Қарз ёки гаровдаги машиналар



Баъзи ҳолларда автомобил банк кредити бўйича гаровда туради

- Банк ёки нотариус орқали автомобиль тақиқда ёки гаровда эмаслигини текширинг



Олдиндан тўлов талаб қилиш



“Машинани сақлаб қўйиш учун аванс ташланг” деган гапларга учманг

- Ҳеч қачон олдиндан тўлов қилманг!

### ФИРИБГАРЛАРДАН ҲИМОЯЛANIШ УЧУН АСОСИЙ ҚOIDАЛАР

- ✓ Хужжатларни текширинг
- ✓ Нарх жуда арzon бўлса, эҳтиёткор бўлинг – бу фирибгарлик бўлиши мумкин
- ✓ Ҳар қандай олдиндан тўловдан сақланинг
- ✓ Шартномани фақат нотариал тасдиқланган ҳолда тузинг

АГАР ФИРИБГАРЛИККА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ,

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!



# УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ФИРИГАРЛАРДАН ОГОХ БҮЛИНГ



## УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШДА ФИРИГАРЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ



Сохта ҳужжатлар билан сотиш

Фиригарлар уйни сохта паспортлар ёки қалбаки ҳужжатлар билан сотиши мүмкін

- Уй ҳужжатларини нотариус ва кадастр орқали текшиリング



Хуқуқий низоли уй-жойлар

Уйнинг бир неча ворислари ёки собиқ эгалари бўлиши мүмкін

- Уйда ҳеч қандай низо йўқлигини текшиリング



“Сотувчи чет элда, агенти орқали сотади” схемаси

Фиригарлар ўзини хорижда деб таништириб, агент орқали сотишига ҳаракат қиласди

- Фақат уйнинг ҳақиқий эгаси билан шартнома тузинг



Уй бир неча кишига сотиш схемаси

Фиригарлар арzon уй таклиф қилиб, бошқа бир шахсга ҳам сотиб юборади

- Шартномани нотариус орқали расмийлаштириинг ва кадастр ҳужжатларини текшиリング



Кўчмас мулк гаровда ёки кредитда бўлиши

Баъзи уйлар банк гарови остида бўлиши мүмкін

- Банкдан гаровда ёки қарзда эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинг

## ФИРИГАРЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ УЧУН АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- Ҳужжатларни текшиリング
- Нарх жуда арzon бўлса, эҳтиёткор бўлинг – бу фиригарлик бўлиши мүмкін
- Ҳар қандай олдиндан тўловдан сақланинг
- Шартномани фақат нотариал тасдиқланган ҳолда тузинг

АГАР ФИРИГАРЛИККА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ,

**ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!**



# ОНЛАЙН ФИРИБАРЛИКДАН ҲИМОЯЛАНИНГ!



## Кенг тарқалған онлайн фирибарлик турлари

### Фишинг (Fishing) – шахсий маълумотларни ўғирлаш



– Фирибарлар банк ёки ижтимоий тармоқлар номи остида SMS ёки электрон почта юбориб, карта маълумотларингизни сўрайди



Ҳеч қачон парол, карта рақами ёки CVV-кодни бегона сайтларга киритманг!



### Соҳта онлайн дўйонлар

– Чегирмалар таклиф қилиб, пулни олгандан кейин маҳсулот юбормайдиган соҳта веб-сайтлар



Харид қилишдан олдин сайт ҳақида шарҳларни текширинг!



### Телеграм ва ижтимоий тармоқлардаги фирибарликлар

– "Кўп пул ишлаб топиш", "Фақат бугунги акция", "10 доллар ташланг – 100 доллар қайтамиз" каби схемалар



Ноаниқ шахсларга пул жўнатманг, олдин текширинг!



### Соҳта иш таклифлари

– "Ишга қабул қиласиз, лекин олдин регистрация учун пул тўлашингиз керак" каби таклифлар



Ҳеч қандай иш учун аввалдан пул тўлаш шарт эмас!



### Смартфонларга вирусли иловаларни юклаб олиш

– Банк маълумотларингизни ўғирлайдиган соҳта иловалар



Фақат расмий Google Play ёки App Store’дан дастурлар юклаб олинг!



### Соҳта инвестиция платформалари

– "Битта доллар ташланг, бир ойда 100 доллар оласиз" каби ваъдалар



Ноаниқ платформаларга пул киритманг!

## ҲИМОЯЛАНИШ УЧУН 7 ТА АСОСИЙ ҚОИДА



### Паролларингиз мустаҳкам ва хавфсиз бўлсин.

– Ҳар бир аккаунт учун турли хил парол ишлатинг. "123456" каби оддий пароллардан фойдаланманг!



### Банк маълумотларингизни ҳеч кимга берманг.

– Банклар ҳеч қачон SMS ёки қўнғироқ орқали карта маълумотларингизни сўрамайди



### Двухфакторли аутентификация (2FA) ёқилганилигини текширинг.

– Телеграм, электрон почта ва ижтимоий тармоқларингизда қўшимча ҳимоя ёқилганилигини текширинг.



### Номаълум файл ва ҳаволаларни босманг.

– Фирибарлар вирусли файл юбориши мумкин, уни юклаб олсангиз, маълумотларингиз ўғирланади



### Расмий сайтлардан харид қилинг.

– Агар сайт HTTPS билан бошланмаса, унга шахсий маълумотларингизни киритманг



### Сайёҳатлар ва онлайн банк фойдаланувчилари учун VPN ишлатинг.

– Хавфсизлик учун VPN хизматларидан фойдаланинг



### Шубҳали таклифларга ишонманг.

– Агар бир нарса "жуда осон ва фойдаси юқори" бўлса, бу кўпинча фирибарлик.



### АГАР ФИРИБАРЛИККА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ



Банкка дарҳол хабар беринг – карта блокировкасини қўйинг



Киберхуқуқбузарликлар бўйича хукуқ-тартибот органларига мурожаат қилинг



Яқинларингизни ҳам огоҳлантиринг

**Огоҳ бўлинг, онлайн фирибарлик қурбони бўлманг!**



# МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА – ФИРИБАРЛИКДАН ҲИМОЯЛНИНГ!



**Молиявий пирамида** – бу фирибагарлик схемаси бўлиб, у янги қатнашчиларнинг пуллари эвазига аввалгиларга тўлов қилинадиган тизим



## Молиявий пирамида белгилари

### Осон ва катта даромад ваъда қилинади

- “Ҳеч нарса қилмайсиз, пул ўзи ишлайди” каби даъволар ишончсиз!

### Янги қатнашчиларни жалб қилиш талаб қилинади

- Тизим фақат янги одамлар орқали ишласа, бу – молиявий пирамида!

### Фаолият ноаник ва маблағ манбалари аниқ, кўрсатилмайди

- Агар компания маҳсулот ёки хизмат таклиф қилмаса, маблағ қаердан келаётганини тушунтирумаса, эҳтиёт бўлинг!

### Расмий лицензия ёки бошقا ҳужжати бўлмайди

- Ҳар қандай молиявий тизим қонунга мувофиқ равишда фаолият юритиши керак. Агар лицензия ёки расмий рўйхатдан ўтиш ҳужжатлари бўлмаса, бу – фирибагарлик!

### Ҳар қанча кўп сармоя киритсангиз, шунча тез бойишингиз айтилади

- “Кўпроқ маблағ қўйинг, миллионер бўласиз” деган ваъдалар ёлғон!



## Энг кенг тарқалган молиявий пирамида схемалари

### Тез бойиш схемалари

- “Бир марта маблағ қўйинг, ойига 100% фойда оласиз” деган платформалар

### Инвестиция пирамидаси

- “Криптовалюта ёки акцияларга киритинг, катта даромад оласиз” деган соҳта платформалар

### Мулти-левел маркетинг (MLM) фирибагарликлари

- Ҳақиқий маҳсулот йўқ, фақат одам жалб қилиш ҳисобига ишлайди

### Банк ўрнидаги соҳта ташкилотлар

- “Омонат қўйинг, банқдан кўра 3-4 марта катта фоиз тўлаймиз” деган компаниялар

### Телеграм ва ижтимоий тармоқлардаги “пул айлантириш” схемалари

- “100 минг ташланг, бир неча кун ичida 1 млн оласиз” деган гурӯҳлар

## ҲИМОЯЛНИШ УЧУН 6 ТА АСОСИЙ ҚОИДА

Расмий рўйхатдан ўтган молиявий ташкилотларни танланг

Чекланган вақт таклифларига ишонманг –  
“Фақат 3 кун ичida кириш мумкин”,  
“Шошилинг, имкони қочирманг” деган даъволарга алданманг

Сармоя киритишдан аввал компания ҳақида маълумот олинг –  
Интернетдаги шарҳлар, лицензиялар, расмий манбаларни текширинг

Даромад манбанини аниқлаштиринг –  
Агар даромад фақат янги қатнашчилар ҳисобига бўлса – бу пирамида!

Жуда юқори фоиз ставкаларга ишонманг –  
Нормал бизнес 10-15% фойда келтириса, 100% даромад ваъда қилаётган бўлса, бу – фирибагарлик

Яқинларингизни огоҳлантиринг –  
Кўпчилик фирибагарлик курбони бўлишига сабаб – нотўғри маълумот ва тажрибасизлик

### ! АГАР ФИРИБАРЛИККА ДУЧ КЕЛСАНГИЗ



Хуқуқ-тартибот органдарига мурожаат қилинг



Бошқаларни ҳам бу ҳақда огоҳлантиринг



Ҳеч қачон фирибагларга маблағ юборманг

**Огоҳ бўлинг! Молиявий пирамидалар қурбонига айланманг!**



# ПОРА ОЛИШ ЖАЗОСИ МУҚАРРАР ЖИНОЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

**ПОРА ОЛИШ** — мансабдор шахснинг ўз хизмат мавкеидан фойдаланган холда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян харакатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиш ёхуд мулкий манфаатдор бўлиш**

Ушбу қилмиш:

- БХМНИНГ **50 – 100** бараваригача миқдорда жарима
- 2 – 5** йилгача озодликни чеклаш
- 5** йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Такроран, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан ёки бир гурух мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириттириб содир этилса

**5 – 10** йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш

Жуда кўп миқдорда ёки уюшган гурух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса

**10 – 15** йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

@huquqiyaxborot



# ТОВЛАМАЧИЛИК ЖАЗОСИ МУҚАРРАР ЖИНОЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

**ТОВЛАМАЧИЛИК** — жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст ётказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сакланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўркитиб

- мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни
- мулкий манфаатлар беришни
- мулкий йўсингандаги харакатлар содир этишни талаб қилиш
- жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиласиган шароитга солиш

Ушбу жиноятни содир этган шахс:

- 3 – 5 йилгача** озодликни чеклаш
- 3 – 5 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Товламачилик оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда

**10 – 15 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади

@huquqiyaxborot



# ФИРИБАРЛИК ЖАЗОСИ МУҚАРРАР ЖИНОЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

**ФИРИБАРЛИК** – бу ўзганинг мулкини ёки мулкга бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол килиш йўли билан кўлга киритиш



## Ушбу жиноятни содир этган шахс:

- БХМНИНГ **50 бараваридан 100 бараваригача** миқдорда жарима;
- **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари;
- **1 йилдан 3 йилгача** озодликни чеклаш;
- **3 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.



Шунингдек, фирибарликнинг тақориийлиги, содир этган шахслар, содир этиш воситасидан келиб чиқиб жавобгарлик чораси **оғирлашиши** мумкин



## Фирибарлик компьютер техникиси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса:

- БХМНИНГ **300 бараваридан 400 бараваригача** миқдорда жарима;
- **3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари;
- **5 йилдан 8 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

@huquqiyaxborot



# БОСҚИНЧИЛИК ЖАЗОСИ МУҚАРРАР ЖИНОЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

**БОСҚИНЧИЛИК** – ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш



## Ушбу жиноятни содир этган шахс:

**5 йилдан 8 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



## Босқинчилик оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда

**10 йилдан 15 йилгача** озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



@huquqiyaxborot



# ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ

## ЖАЗОСИ МУҚАРРАР ЖИНОЯТДИР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. 22.09.1994 й.

Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни **қалбакилаштириш** ёки **сотиш** жиноят деб топилади.

**Ушбу қилмиш**

- БҲМнинг **50 бараваридан 100 бараваригача** миқдорда жарима
- **360 соатгача** мажбурий жамоат ишлари
- **3 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш**

- БҲМнинг **25 бараваридан 50 бараваригача** миқдорда жарима
- **300 соатгача** мажбурий жамоат ишлари
- **2 йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари
- **2 йилгача** озодликни чеклаш
- **2 йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



@huquqiyaxborot

# АТАМАЛАР ИЗОХИ

<b>Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш</b>	ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологияк, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуи
<b>Ғайриижтимоий хулқ-атвор</b>	шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги
<b>Ҳуқуқбузарлик</b>	садир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)
<b>Ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчи</b>	жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарлиқдан жабрланган шахс
<b>Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси</b>	ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими
<b>Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс</b>	ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс

# ИЛОВАЛАР

1-илюва

## Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар рўйхати

1.	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти натижаларини умумлаштириш ва ягона ахборот-таҳлил тизимига киритилишини таъминлаш.
2.	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.
3.	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш.
4.	Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни белгиланган тартибда профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиш, улар билан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий мослаштириш ишларини индивидуал дастур тузган ҳолда ташкил этиш.
5.	Ёшлиар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
6.	Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга кўмаклашиш.
7.	Вояга етмаганлар ва ёшлиарни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш.
8.	Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш.

<b>9.</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ тегишли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.
<b>10.</b>	Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш.
<b>11.</b>	Ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида ҳар бир оилани бевосита жойида ўрганган ҳолда, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигига оид ва ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган муаммолари ва норозиликларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.
<b>12.</b>	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.
<b>13.</b>	Тажовузкор руҳий касаллар, спиртли ичимликка ружу қўйганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларига кўмаклашиш.
<b>14.</b>	Пробация назоратидагиларнинг хулқ-атворини назорат қилишда, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текширишда, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш.
<b>15.</b>	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида жамоат тартибини сақлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш. Фуқароларни, уларнинг розилиги билан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш.
<b>16.</b>	Давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш ҳамда маҳалладаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этмаганлик юзасидан тақдимномалар киритиш.
<b>17.</b>	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда

	унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашиш.
<b>18.</b>	Биритирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний ва бузғунчилик йўналишидаги гурӯҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлашга кўмаклашиш.
<b>19.</b>	ОИВ/ОИТСнинг тарқалишини барваҳт олдини олиш, ахлоқсизлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда фоҳишаҳоналарнинг сақланишига чек қўйишга кўмаклашиш.
<b>20.</b>	Доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб бориш, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш.
<b>21.</b>	Жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор-қидириув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш.
<b>22.</b>	Шахсни мажбурий келтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримини белгиланган тартибда ижро этиш.